

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ОДАМ, ОЛАМ ВА УМР
ТАЛҚИНИ
(ФОРСИЙ ҲИКМАТЛАРИ АСОСИДА)**

Абдумурод Холмуратович ТИЛАВОВ
филология фанлари номзоди, доцент
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
a.tilavov@mail.ru

Аннотация

Мақолада буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг форсий ҳикматлари таҳлил этилган ва бошқа шоирлар байтлари билан чоғиштирилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, байт, комиллик йўли, тасаввуф лўғатлари, бадий ифода, ҳикматлар.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЧЕЛОВЕКА, МИРА И ЖИЗНИ В
ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ
(НА ОСНОВЕ МУДРЫХ ИЗРЕЧЕНИЙ НА ПЕРСИДСКОМ
ЯЗЫКЕ)**

Абдумурод Холмуратович ТИЛАВОВ
Кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени
Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
a.tilavov@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются мудрые изречения выдающегося поэта Алишера Навои на персидском языке, которые рассматриваются в сопоставлении с бейтами других поэтов.

Ключевые слова: Алишер Навои, бейт, путь совершенства, словарь суфизма, художественное выражение, мудрые изречения.

Ғиёсиддин Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Ҳазрат Алишер Навоий ҳаётига доир бир ибратли мутойибани келтиради.

“Олий шаънли Амирнинг (яъни Ҳазрат Навоийнинг – А.Т.) танишларидан бўлган бир кампир бир тегирмон борасидаги даъво юзасидан

тинимсиз девонга келиб-кетар ва жанжал қиларди. Ул хазрат унга насихат қилиб:

– Бундай ишлар учун эринг келиб-кетгани маъқул, – дедилар.

У кампир бунга жавобан:

– Тирикчилигимизнинг ўтиши ана шу тегирмоннинг тасарруфимизга ўтишига боғлиқ, шу сабабдан эрим билан биргаликда бу ишнинг орқасидан югурамиз, – деди.

Ул хазрат яна бир марта, аёлларнинг бундай ишлар кетидан югуриб юриши муносиб иш эмас, дедилар-да, куйидаги байтни чиройли сўзлар жарангловчи тилларига келтирдилар.

Байт:

Мард шитобан беҳ ва зан бо даранг,

Орд нахизад чу бижунбад ду санг.

(Мазмуни: эркакнинг тез юргани, аёлнинг эса секин ҳаракат қилгани яхшидир. Агар (тегирмондаги) тошнинг ҳар иккаласи ҳам (бараварига) айланса, ун чиқмайди) [5].

Оила саодати, хотиржамлигининг муҳим шартларидан бирининг Навоий талқинидаги форсий ифодасидан кўринмоқдаки, мутафаккир шоир бу тилда ҳам кўп ва хўп ёзганлар.

Куйида ана шу фикримизга ойдинлик киритувчи айрим мисолларга мурожаат қиламиз.

Мумтоз адабиётимизда ёши улуғ, пиру бадавлат, яхши инсонларнинг, пири комилларнинг йўлидан бориш комиллик йўлидаги муҳим қадам экани, бу икки дунё саодатининг калити эканига доир тарғиб-ташвиқлар бор.

Саъдий Шерозий “Гулистон”ида ёзади:

Гиле хушбўйи дар ҳаммоме рўзе,

Ба худ аз дасти маҳбуби дастам.

Ба ту гуфтам: “Ки мишки йа авере,

Ки аз бўйи дара вези ту мастам...

Бир куни хаммомда бир гил (лой) парчаси маҳбубнинг кўлидан кўлимга тушди.

Мен унга дедимки:

Намунча муаттар, хушбўй бўлмасанг?

Бу муаттарлигиндан маст бўлаёздим-ку!

Би гуфт: Ман гиле ночиза будам,

Ва лекин муддате бо гул нушастам.

Яъни, мен ҳеч ким эътибор бермайдиган оддий тупроқ эдим. Бирок маълум муддат атиргул ўсган жойнинг тупроғи бўлдим; ундан баҳра олдим... Мендаги асл муаттарликнинг боиси атиргул...

Саъдий Шерозий атиргул тимсолида комил инсонларга ишора қилаётганлари шубҳасиз.

Ҳувайдо:

Хоки пойи яхшилар бўл, хок бўлмасдан бурун,

Бу қаро ер бағри сенга чок бўлмасдан бурун, –

деганда ҳам ана шу мақсад-муддаони назарда тутган бўлсалар не ажаб?!

Энди “Девони Фоний”даги қуйидаги байтга диққат қилайлик:

Ба пири, эй жавон, гар давлати айн ул-яқин хоҳи,

Ғубори роҳи пирон тўтиё кун дар жавониҳо.

Яъники, эй йигит, қариганда асл ҳақиқат гавҳарини (айнул яқин давлатини) топишни истасанг, ёшликда улуғлар изи тупроғини кўзингга тўтиё қил.

“Айн-ул яқин”га тасаввуф луғатларида “Кўз билан кўрар даражада кўриб, мушоҳада этиб билмоқ. Масалан, узоқда бир тутун кўрмоқдамиз. У ерда олов борлигини илман билишимиз, демакдир. Бу билиш даражасига “илман яқийн” деймиз. Оловга яқин келиб, кўзимиз билан кўрсак, бунга “айнал яқийн” билиш дейилади. Бор ҳисларимиз ила оловнинг борлигини ва

бошқа сифатларини билсак, бу билишимиз даражасига “Ҳаққал яқийн” дейилади” дея таъриф берилади [3].

Демак, Навоий фикрича, маънавий даражанинг ортиши, инсоннинг камолот касб этиши улуғ зотларнинг хурмат, эҳтиромини жойига қўйиш, хатто хизматларини ихлос билан бажаришга боғлиқ.

Ҳазрат Навоийга нисбат берилган қуйидаги байтда ҳам юқоридаги мазмуннинг бадиий ифодасини кўрамыз:

Эй Навоий, сен ким-у масжиди меҳроб истамак?

Қайга қўйса хўблар аёгин, сен бошингни қўй.

Жунайд Бағдодий яқийнни шак-шубҳанинг орадан кўтарилиши, деган бўлса, Зуннун Мисрий кўз билан кўрган нарсани – илм, қалб билан кўрган нарсани – яқийн, деб айтган. Насриддин Тусий “Такосур” сурасининг 6-ояти ва “Воқиъа” сурасининг 94-оятига таяниб, яқийннинг 3 даражаси – илмул-яқийн (шубҳа ва гумондан холи бўлган ақида ҳақида билим ҳосил қилиш), айнул-яқийн (шубҳадан холи ақида соҳиби бўлиш) ва ҳаққул-яқийн (шубҳадан холи ақиданинг моҳиятига етиш) борлигини таъкидлайди [1].

“Ғаройиб ус-сиғар” девони 562-ғазалдаги қуйидаги байт ҳам айнал яқийн ҳақидаги тасаввуримизга янада ойдинлик киритади:

Етишқай бегумон айнул-яқийн асрорига ҳар ким

Аёгинг туфрөгидин кўзларига тўтиё чекса.

Хоки пойи кўзларига тўтиё қилингулик зот Коинот Сарвари ёхуд Ул зотнинг йўлидан ихлос ила борувчи авлиёуллоҳ бандалардир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий бундай улуғлар, руҳий тарбия устозлари хизматида бўлишни шараф деб билади; бу шарафли хизмат давомида бошга тош тегиб ёрилса ҳам, бу – саодат нишонаси эканини таъкидлайди:

Эранлар хидматидин чекмагил бош,

Гар бошингга гардундин ёғар тош.

Ки гар ул тош ила бошинг ушалғай,

Саодат хаттидур, гар захми қолғай.

Ҳазрат Навоийнинг ҳикматларида олам ва одам муносабати, умрнинг ўткинчилиги, дунёнинг фонийлигига доир таъсирли тасвирларни, ифодаларни топамиз. Шоир бизни хушёр торттиришга мажбур қиладиган воқеа-ҳодисаларга диққат қаратадилар.

Агар хароб бувад хонаи жаҳон, чи ажаб,

Ки дид хона, ки обод монд бар сари об?

Агар бу олам уйи хароб бўлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, зеро, уйнинг сув устида обод турганини ким кўрибди?

Шу ўринда шоирнинг “Сабъайи сайёр” достонидаги бу оламни сув устидаги ярмидан кўпи ниҳон турган каттакон (“улуғрак”) кесакка менгзатганларини эслаш фойдадан холи бўлмайди:

Эй кўнгил, боқмагил жаҳон шиига

Ки жаҳон қилмади вафо кишига.

Бир улуғрак кесак эрур бу жаҳон

Ки эрур кўпраги сув ичра ниҳон...

Баъзан умр ҳақида тафаккур қилиб, ўз ифодаси билан “айнал-яқийн асрор”ига етишган Навоий умрга хитоб қилади:

Ин давр, ба як чашим задан гашта дигаргун,

Эй умр, ба рафтан зи бари мо чи шитоб аст?

Бир кўз очиб-юмгунча замон бошқа тусга киради. Эй умр, бизнинг ёнимиздан мунча шитоб билан ўтасан?

Навоийнинг фикрича, умрни мазмунли ўтказишнинг муҳим шарти тақво (парҳезкорлик, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқишлик, гуноҳлардан тийилиш) орқали нафсни енгишдир:

Оқибат хоҳад шикаст аз марг шохи нахли умр,

Беҳ зи зўри дасти тақво нафсро додан шикаст.

Яъни, алал-оқибат ўлим умр дарахтининг шохини синдиради. Шундай экан, тақво қўлининг кучи билан нафсни синдирган яхшидир.

Нафс синиши учун эса унинг энг яқин ёрдамчиси – кибрни енгиб, уни тавозега – камтаринликка айлантормоқ лозим. Мумтоз шоирларимиз бу борада кўпинча тупроқ деталидан фойдаланадилар.

Аҳмад Яссавий хазратлари “Тупроқ бўлгин, олам сени босиб ўтсин”, деганда айнан шу фазилатни назарда тутганлар.

Сўфи Оллоёр қуёш чиқиши билан илк бор “рухсорайи хок”, яъни офтоб янглиғ тупроқ юзини ўпишига диққат қаратишимиз, бу ходисадан ибрат олишимизни истайдилар:

*Агар ўрнинг бўлса аълоийи офоқ,
Қуёшдек ўн туриб рухсорайи хок [2].*

Алишер Навоий хазратлари ҳам туркий ҳикматларидан бирида, агар мардуд, яъни дуоси рад этилмайдиганлардан бўлмоқ истасанг, тупроқ бўлгин, дейдилар.

Форсий ҳикматларида эса бу мавзунинг ўзига хос гўзал бадиий ифодасига дуч келамиз:

*Чун баландонро фитодан лозим омад, паст бош,
Нест мумкин уфтодан ҳеч гаҳ бар хоки паст.*

Яъни, юксакка кўтарилганларнинг бир куни пастлаши ҳақ экан, сен пастда юравер, чунки тупроқда ётган кишининг йиқилиши мумкин эмас.

Халқимиз орасида “беш кунлик дунё” ибораси бот-бот қўлланилади. Бу ўтқинчи, тезда ўтувчи дунё маъноларини беради.

Маълумки, бадиий адабиётда, шу жумладан оғзаки нутқда бир сўзни қайта-қайта ишлатиш (тафтология) фазилат эмас. Бироқ Навоийнинг маҳорати шундаки, мазмун-моҳиятни тўла сақлаб; тўрт сатрда бир сўзни тўрт марта қайтариб, қайтариқни санъат даражасига кўтариш мумкинлигини исботлаб берадилар:

*Даҳр судидин тамаъ узким, зиёни беш эмас,
Умрни тутгил ганиматким, замони беш эмас.
Уй бино айлаб ажасбтур элни миҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун миҳмони беш эмас.*

Демокчиларки, бу дунё фойдаси (орзу-хаваслари)дан умидингни узгинки, зиёни кам эмас. Умрни ғанимат билгинки, у жуда узок (абадий) эмас.

Уйни бино қилиб, халқни меҳмон қилганга ажабланаман. Негаки, ўзи ҳам, меҳмон ҳам кўп турмайди (беш кунлик дунё).

Энди “беш кунлик дунё”нинг Алишер Навоий томонидан берилган форсча ифодасига диққат қаратамиз:

*Афлок разилпарвару дар панжрӯза умр,
Гашидан забунӣ ӯ зи камоли разолат аст.*

Яъни, фалак разилпарвардир, беш кунлик дунёда унга мағлуб бўлиш айни разолатнинг ўзидир.

Хўш, фалак разилпарвар, дунёга мағлуб бўлиш, разолат, шармандалик деганда Ҳазрат Навоий нимани назарда тутмоқдалар? Бундай хунук оқибатга дуч келмаслик учун инсон нималарга диққат этмоғи лозим?

Накшбандия тариқати устозларидан бири шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарий биз билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни айтган эдилар:

“... Дунёга муккамиздан берилиб кетяпмиз. “Бугун бир нималик бўлолмадим. Аммо эртага бошқача кун бўлади, аниқ бир нарсани қўлга киритаман...” “Эҳ бу йил қуруқ қолдим, лекин насиб этса, ҳаёт бўлсам, келгуси йил яхши ўзгаришлар бўлади ҳаётимда...”, деб ўйлаймиз.

Эрта деганимиз остонада бизни кутмоқда. Келди, мана ўтди ҳам. Афсус, яна ҳеч нарсанинг фарқига бормадик, тушуниб етмадик. Бугуннинг қийматини билмаган юқоридаги каби хом хаёлларга берилган одамнинг қуйидаги ҳикоядаги бечорадан фарқи йўқ.

Ҳикоя. Бир киши рухий касалликлар шифохонаси ёнидан ўтаётган экан. Қараса, касаллар навбатга тизилишган. Бир эшик бор. Эшикда эса кичкина тешик. Навбат билан ўша тешикдан қараб кетишяпти. Қизиғи, қараган яна навбатга туряпти. Ҳалиги одам буларни кузатиб туриб: “Қизиқ, бу эшикнинг орқасида нима борки, булар қараб тўймаяпти?” деб ўйлабди-да, навбатга турибди. Ниҳоят тешикдан қарабди: фақат ҳеч нарса кўрмабди.

“Ҳойнаҳой шошиб яхши қарай олмадим. Аттанг, аммо бу сафар кўрмасдан кўймайман”, деб тагин навбатга турибди. Лекин бу сафар ҳам ҳеч нарса кўрмабди. Бечоранинг кўнгли чўкибди: “Ҳаммага кўринган нарса менга келганда кўринмаяпти, балки учинчи мартасида кўрарман”, деб яна навбатга турибди. Йўқ, яна ҳеч нарса кўрмабди.

“Э тўхта, – дебди ўзига-ўзи. – Мендан олдин қараганлардан сўрайчи, бу ерда нима бор ўзи?” Ўзидан олдиндагининг қулоғига шивирлабди: “Оғайни, бу эшикнинг орқасида нима бор ўзи, қараганимиз қараган?”

“Билмасам, – дебди олдинда турган одам. – Беш марта бўлди, мен қараб ҳеч нарса кўрмадим. Тўхтаб турчи, шу сафар қараганимизда балки бир нима кўринар?”

Ҳолбуки, Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда:

Ҳаёти нақд бувад мугганам ки чарх ба луъб.

Фитода то зи ту нақди ҳаётро бибарад.

Яъни, тириклик давлати ғаниматдир, чунки фалак макр билан сени мағлуб этиб, ҳаёт деб аталган неъматдан маҳрум этмоқчи.

Хуллас, Ҳазрат Навоий бизга “тириклик ҳам ярим қисмат” эканини (Абдулла Орипов таърифи), ҳаётдан оқилона, унумли фойдаланишга, акс ҳолда юқоридаги ҳикоятда тасвирланган руҳий касалликлар шифохонасида навбат пойлаган кимса ҳолига тушиб қолишимиз мумкинлигидан огоҳлантирмоқдалар.

Алишер Навоий ёзадилар:

Гар баҳри раҳмати ў аҳд ба мавжси ғам нест,

Гарчи зи дуди исён дорем рўсиёҳи.

Яъни, исён, гуноҳ тутунидан юзимиз қора бўлса-да, раҳмат, мағфират денгизи мавж урса ғам йўқ, ноумид бўлмасман.

Ҳа, Ҳазрат Навоийнинг бу форсча байти ҳам тушкунлик чоҳида ноумид ўтирган кимсаларга маънавий малҳамдир.

Бу байтлар беихтиёр Мирзо Абдулқодир Бедилнинг шу сатрларини ёдга солади:

*Чаро худро асири гам зи фикри бешикан доре,
Машав бе дасти по аз муфлиси-ю бекасе ҳаргиз...*

Магар нашнудайи Бедил:

Худо доре, чи гам доре?!

Таржимаси:

*Дунё таъвиши деб бунчалар озор,
Бандаи ожизни хор этмас Ғаффор.*

Ҳаргиз бечоралик ранжида бўлма,

Бедил дер: гам тортма Қодир Худо бор.

Алишер Навоий ҳар қандай ҳолатда Яратганнинг раҳматидан, мағфиратидан умидини узмасликка алоҳида диққат қаратади. Рубоийларидан бирида “Аллоҳнинг раҳматидан зинҳор умид узманглар” (Зумар, 32) маъносидаги ояти каримасини назмда шарҳлай туриб “...Лек демангиз муниким: Ондин тамаъ уз”, дейди. Чунончи, бу жуда муҳим мавзу бўлиб, бунга доир махсус китоблар таълиф этилган.

Нақшбандия тариқати устозларидан Шайх Муҳаммад Нуруллоҳ Жазарий айтадилар: “Бугун бирор дардинг, ғаминг бўлса, Раббингга йўналиб: “Менинг оғир дардим, ғамим бор”, демагин. Дардингга, ғамингга юзланиб: “Менинг буюк Раббим бор!” дегин” [4].

Ҳа, Ҳазрат Алишер Навоийнинг туркийгина эмас, форсийда битган ҳикматлари бизга одам ва олам, умр мазмуни, ҳаёт ҳақиқати ҳақида қимматли ўғитлар беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир Ш.Сироҷиддинов. – Тошкент: Sharq, 2016. – 181 б.
2. Сўфи Оллоёр. Сабот-ул ожизин. – Тошкент: Муҳаррир, 2016. – 86 б.
3. Усмонлича-туркча исломий-илмий-адабий-фалсафий янги луғат: Истанбул, 1989. – Б. 777.

4. Холмуродова Б. Ғам-қайғусиз яшай десангиз... – Тошкент: Сано-Стандарт, 2016. – 61 б.

5.Ғиёсиддин Хондамир. Макорим-ул ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 184-185.



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил апрель

| | |
|---|--------|
| Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Илм-фан бўлими | |
| (электрон журнал) 2020 йил апрель сони | |
| МУНДАРИЖА | |
| <i>Иқтисод</i> | |
| Б.М.ДАГАРОВ. Кичик бизнес ва фаол тадбиркорликни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар ----- | 1-9 |
| Ғ.Ғ.ЎРИНБОЕВ. Ўрта бизнес – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили----- | 10-17 |
| А.А.БОЗОРОВ. Жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш----- | 18-37 |
| | |
| <i>Юридик</i> | |
| Р.М.МУҲИДДИНОВ. Эгасиз мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини фуқаролик ҳамда божхона қонунчилиги бўйича такомиллаштириш йўллари----- | 1-9 |
| Д.Ю.ПАЙЗИЕВ. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ярашув институтининг ўрни ва аҳамияти----- | 10-19 |
| Д.М.ЧОРИЕВА. Судга қадар бўлган жиноят иш юритувида тортишув принципининг таъминланиши масаласи ва унда ҳимоячи иштироки----- | 20-34 |
| Ж.Р.АЛЛАМБАЕВ. Ўзбекистон Республикасида маъмурий йўл билан ушлаб туриш тизимини такомиллаштириш----- | 35- 44 |
| И.Д.ТОРАХОДЖАЕВА. Божхона ҳуқуқининг назарий асослари----- | 45-56 |
| | |
| <i>Филология</i> | |
| А.Ғ.ҚОСИМОВ. Имплицит (яширин) ва аниқ ўқувчи----- | 1-8 |
| С.К.БАРЛИБОЕВА. Коммуникатив стратегия ва тактика тушунчаларининг дунё тилшунослигидаги талқини----- | 9-17 |
| Ў.С.МАДУМАРОВ. Алишер Навоий ва Султонхон Адо----- | 18-29 |
| А.Х.ТИЛАВОВ. Алишер Навоий ижодида одам, олам ва умр талқини (форсий хикматлари асосида)----- | 30-40 |
| Н.Ф.МУРАТОВА. Пандемия шароитида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятига хос асосий тенденциялар----- | 41-50 |

| | |
|--|-------|
| С.А.ХАШИМОВА. Ҳозирги хитой тили от сўз туркумига оид сўзларда конверсия----- | 51-62 |
| Г.У.НАЖМИДДИНОВА. Медиа COVID-19 пандемияси шароитида: йўқотишлар ва ютуқлар----- | 63-72 |
| <i>Фалсафа</i> | |
| Б.С.ТУРДИЕВ. Маънавий янгиликлар стратегиясининг ҳаётбахш ислохотлари: назария ва амалиёт----- | 1-12 |
| Д.З.ЭРНАЗАРОВ. Ўзбекистоннинг глобал фуқаролик жамиятига интилишининг фалсафий таҳлили----- | 13-22 |
| <i>Тиббиёт</i> | |
| Ш.А.ЗУФАРОВА, Д.А.ЭГАМБЕРДИЕВА. Влияние витамина D на становления менструальной функции у девочек-подростков----- | 1-15 |
| <i>Техника</i> | |
| И.Х.СИДДИКОВ, С.Б.САДИКОВ. Таълим тизимида масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш----- | 1-12 |
| <i>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Илм-фан бўлими</i> | |
| <i>(электрон журнал)</i> | |
| <i>2020 йил апрель ойи сони</i> | |
| Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй | |